



**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИ АЁЛЛАРИ ОРАСИДА
СТОМАТОЛОГИК САЛОМАТЛИК ВА ҲАЁТ СИФАТИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИНИ
ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ**

Хамроев Ш.Ш., Ибрагимова Ф.И.

Бухоро Давлат тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Стоматологик ҳаёт сифатини баҳолаш имконини берувчи ушбу усуллар тиббиёт аралашувлари натижадорлиги ва самарадорлигини аниқлаш, тиббий ёрдам сифатини баҳолаш, аҳолининг тиббий-санитар эҳтиёжларини баҳолаш, турли стоматологик касалликлар сабаблари ва асоратларини тушуниш ҳамда клиник қарорлар қабул қилишни яхшилаш учун қўлланилади.

Калит сўзлар: стоматологик саломатлик, ҳаёт сифати, кимё саноати, клиник амалиёт.

**МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ ЗАВИСИМОСТИ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ И
КАЧЕСТВА ЖИЗНИ У РАБОТАЮЩИХ ЖЕНЩИН ПРЕДПРИЯТИЙ ХИМИЧЕСКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

Хамроев Ш.Ш., Ибрагимова Ф.И.

Бухарский Государственный медицинский институт

✓ *Резюме*

Эти методы, позволяющие оценить качество стоматологической жизни, используются для определения эффективности и действенности медицинских вмешательств, оценки качества медицинской помощи, оценки медицинских и санитарных потребностей населения, понимания причин и осложнений различных стоматологических заболеваний, а также улучшения принятия клинических решений.

Ключевые слова: стоматологическое здоровье, качество жизни, химическая промышленность, клиническая практика.

**METHODS OF STUDYING THE DEPENDENCE OF DENTAL HEALTH AND QUALITY
OF LIFE IN WORKING WOMEN OF CHEMICAL INDUSTRY ENTERPRISES**

Khamroev Sh.S., Ibragimova F.I.

Bukhara State Medical Institute

✓ *Resume*

These methods, which allow assessing the quality of dental life, are used to determine the effectiveness and efficiency of medical interventions, assess the quality of medical care, assess the medical and sanitary needs of the population, understand the causes and complications of various dental diseases, as well as improve clinical decision-making.

Keywords: dental health, quality of life, chemical industry, clinical practice.

Долзарблиги

Кейинги йилларда турли ишлаб чиқариш корхоналарида технологик жараён ўзгариб ишчиларга таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш хавф-хатарлари камайди, шу омилар ва ишчилар организми орасидаги контакт камайиши улар саломатлигини сақлаш имконини берди, ўз навбатида асаб касалликлари нисбатан камайди, ишлаб чиқариш билан боғлиқ оғир касалликлар шаклланиши, травматизм ва ногиронлик ҳолатлари кескин камайиши кузатилди.

Аммо, шундай бўлса ҳам ишлаб чиқаришда турли янги синтез қилинган кимёвий моддалар ишлатилиши, турли таъсир даражаси кучли кимёвий моддалар ишлаб чиқарилиши ҳисобидан янгидан янги ишлаб чиқариш хавф-хатарлари пайдо бўлмоқда, уларни ишчилар организмга, шу жумладан оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарига таъсир даражасини аниқлаш ўз долзарблиги ва заруратини йўқотмаган.

Бугунги кунда одамлар ҳаёт сифатини ўрганиш тиббий тадқиқотларнинг муҳим қисмларидан биридир. Маълумки, жамият доимо ўзгариб бормоқда, шу билан бирга одамларнинг саломатлик ва соғлиқни муҳофаза қилишга бўлган муносабатлари ҳам ўзгармоқда. Бунинг замирида бир томондан касалликнинг ижтимоий оқибатларини англаш бўлса, иккинчи томондан тиббий муолажалар одам умрини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилганлигини англаш ётади. Шу сабабли соғлиқни сақлаш ишининг сифати ҳамда самарадорлиги унинг беморлар ҳаёт сифатига таъсири бўйича баҳоланади [1.3.5.7.9.11].

Лосег D [1997] фикри бўйича, ушбу сўровнома ва шкалаларнинг аҳоли стоматологик ҳаёт сифатини аниқлаш учун ишлатилиши ижтимоий-сиёсий (ресурсларни тақсимлаш масаласида) ва назарий ҳамда амалий тиббиёт (илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жамоат саломатлиги масалалари ва клиник амалиёт) жиҳатдан ҳам жуда муҳимдир.

Кўплаб тадқиқотлар натижалари бўйича бугунги кунда стоматологик пациентлар ҳаёт сифатини баҳолаш учун қуйидаги индекслар энг кўп қўлланилади: Oral Health Impact Profile (OHIP), Dental Impact on Daily Living (DSDL), Oral Health-related Quality of life (OHR QoL).

Кейинги йилларда Россия Федерациясида (РФ) OHIP-14 индексининг рус тилидаги валидизация қилинган варианты қўлланилади [Кан В.В. ва ҳаммуал., 2017]. Ўзбекистонда бўлса OHRQoL сўровномаси модификация қилинган вариантда ишлатилган [Яриева О.О., 2019; Бакаев Ж.Н., 2020].

Ушбу сўровномалар эпидемиологик тадқиқотлар, аҳолининг стоматологик ёрдамга эҳтиёжини баҳолаш, стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати орасида боғлиқлик ҳолатини баҳолашда фойдаланиб келинмоқда. Аммо, бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ишчилари популяциясида, айниқса ишчи аёллар орасида бундай сўровномалар ўтказилмаган, ишлаб чиқариш хавф-хатарлари таъсирининг субъектив ҳолатлари баҳоланмаган. Ваҳоланки, ишчиларнинг стоматологик давога эҳтиёжини субъектив кўрсаткичлар асосида баҳолаш стоматологик хизматлар кўрсатишни яхшилашни режалаштириш учун муҳимдир.

Шу сабабли ҳар бир тадқиқот учун аҳоли ҳаёт сифатини баҳолаш усулини танлаш муҳим ҳисобланади.

Стоматологик ҳаёт сифатини баҳолаш клиник кўрсаткичлар ва ижтимоий асоратларни аниқлашни ўзида жамлайди, стоматологик ҳолати организм меъёрий функциялари, ижтимоий ҳолати ва ўзини тутишларидаги ўзгаришларга олиб келади, бунинг оқибатида меҳнат қилиш қобилияти ва унумдорлиги пасаяди, уйда рўзгор ташвишлари билан овора бўлиш ва ўқув жараёнига киришиб кетишга ҳалақит қилади [2.4.6.8.10].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолатда **тадқиқотнинг мақсади** кимё саноати корхоналари ишчи аёллари орасида стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифатининг боғлиқлигини ўрганиш услубини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Материал ва тадқиқот усуллари

Бунинг учун Навоий вилоятида жойлашган “Навоиазот” акционерлик жамияти корхонасида фаолият юритувчи ишчи аёллар тадқиқотларга жалб этилди. Улар жами 715 нафар бўлиб, 19-55 ёш оралиғидагилар бўлишди, улардан 353 нафари (49,37±1,87%) қишлоқлардан бўлиб, 362 нафари (50,63±1,87%) шаҳарда яшовчилар бўлишди. Шунингдек ишлаб чиқаришда банд бўлган

аёллар шу корхонадаги иш стажи бўйича ҳам тақсимланди. Барча ўрганилганлар (n=715) иш стажи бўйича қуйидагича тақсимланди:

- 5 йилгача - 133 нафар (18,60±1,46%);
- 5 йилдан 10 йилгача - 146 нафар (20,42±1,51%);
- 10 йилдан 20 йилгача - 275 нафар (38,46±1,82%);
- 20 йил ва ёндан ортиқ - 161 нафар (22,52±1,56)

Уларнинг ҳаёт анамнези ўрганилганда, фақат улардан болаликда ва ундан кейин бошидан кечирган касалликлар эътиборни тортди (1-жадвал).

Олинган натижалар ўрганилганларнинг 14,97±1,33% ида бошидан кечирган касалликлар борлиги аниқланди, аммо бу аҳоли орасидаги касалланишлар даражасини кўрсатмайди, чунки тадқиқотларга жалб қилинган аёллардан сурункали касалликлар аниқланмади, ҳаёт анамнези бўлса оғирлашмаган эди.

Бундай мезонлар бўйича аёлларнинг олиниши тадқиқотларнинг софлигига эришиш, унинг рандомизацияланган бўлиши, тадқиқот гуруҳларининг бир бирига репрезентатив бўлишини таъминлаш учун амалга оширилди.

1-жадвал

“Навоиозот” акционерлик жамиятида ишлаб чиқаришда банд бўлган тадқиқотларга жалб этилган аёлларнинг бошидан кечирган касалликлари тавсифи, M±m

Нозологик бирликлар	Мутлоқ сонларда	Нисбий сонларда (%)
А вирусли гепатит	79	11,05±1,17
Жароҳатлар	8	1,12±0,39
Аллергик касалликлар	8	1,12±0,39
Рахит	7	0,98±0,37
Буйрак касалликлари	3	0,42±0,24
Сувчечак	1	0,14±0,13
Касалланмаган	608	85,03±1,33

Маълумки, ишчилар стоматологик статусини ўрганиш ва баҳолаш билан бирга учрайдиган ёндош касалликларни аниқлаш муҳим ҳисобланади, чунки ушбу касалликлар оғиз бўшлиғи касалликлари билан боғлиқ бўлган ҳолда кечиши мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришда банд бўлган аёлларда учрайдиган ёндош касалликлар сўров ҳамда мос равишда олинган жавобларни анкеталарга киритиш ва профилактик тиббий кўриқлар натижасида аниқланди (2-жадвал).

Олинган натижалар шунинг кўрсатдики, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи аёлларда турли даражадаги анемиялар аниқланди (барча текширилганларнинг 23,22±1,58% и, n=166).

2-жадвал

“Навоиозот” корхонасида ишлайдиган, стоматологик ва тиббий-ижтимоий тадқиқотларга жалб қилинган ишчи аёллар орасида ёндош касалликлар учраш даражаси

Назологик бирликлар	Мутлоқ сонларда	Нисбий сонларда (%)
Турли даражадаги анемиялар	166	23,22±1,58
Эндокринологик касалликлар	81	11,33±1,19
Асаб тизими касалликлари	36	5,03±0,82
Ошқозон-ичак тракти ва жигар касалликлари	23	3,22±0,66
Аллергик касалликлар	8	1,12±0,39
Юрак қон-томир касалликлари	7	0,98±0,37
Таянч-ҳаракат тизими касалликлари	4	0,56±0,28
Буйрак касалликлари	2	0,28±0,20
Бошқалар	6	0,84±0,34
Ёндош касалликлар	382	53,42±1,87


Аниқлашича, тадқиқотларга жалб қилинган ишчи аёлларнинг 333 нафариди (46,58±1,87%) турли аъзо ва тизимлар касалликлари аниқланган ва бугунги кунда улар ушбу аёлларда мавжуд, қолган 382 нафар (53,42±1,87%) аёлларда ёндош касалликлар аниқланмади. Маълум бўлишича, тадқиқот ўтказилаётган вақтда барча аёллар ишга лаёқатли бўлиб, кўпчилигида касалликнинг ремиссия даври аниқланган, баъзи бирлари бўлса профилактик даволашни давом эттирган.

Учраган ёндош касалликлар (n=333) ишчиларнинг шу корхонадаги иш стажларига мос солиштирилди. Олинган натижалар 3-жадвал кўринишида келтирилди.

3-жадвал

Тадқиқотларга жалб қилинган аёлларда учраган ёндош касалликларнинг улар иш стажига мос тақсимланиши

Иш стажи	Тадқиқотларга жалб қилинган, n=775	Ёндош касалликлар, n=333	%
5 йилгача	133	16	12,03±2,82
5 йилдан 10 йилгача	146	28	19,18±3,26
10 йилдан 20 йилгача	275	165	60,00±2,95
20 йил ва ундан кўп	161	124	77,02±3,32



1-расм. Тадқиқотларга жалб қилинган ишчи аёлларда учраган ёндош касалликларнинг улар иш стажига мос тақсимланиши, %

Кўришиб турибдики, ишчи аёллар иш стажи ошиб бориши билан касалланиш даражаси ҳам юқори (1-расм).

Аммо, биз ушбу соматик касалликларнинг учраш даражасини ишчи аёллар иш стажи билан боғлай олмаймиз, чунки уларнинг баъзилар аёллар ишга келгунча бошланган бўлса, бошқалари уларнинг ҳаёт давомида орттирилган касалликлари ҳисобланади, шунингдек, соғлом турмуш тарзи, рационал овқатланишга риоя қилмаслик каби ҳолатлар ҳам мавжуд.

Ишлаб чиқаришдаги хавф-хатарлар ва аниқланган ёндош касалликлар орасида узвий боғлиқлик йўқлиги уларнинг касбга боғлиқ касалликлар ёки профессионал касалликлар қаторига киритишга изн бермайди.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ушбу касалликлар корхона тиббиёт ходимларининг доимий назоратида бўлиши лозим, акс ҳолда касалликлар кўпайиб, ремиссия даври қисқариши, бу эса ишчи аёллар меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, ишчи аёллар орасида генитал аъзолар касалликлари ўрганилмаганлиги боис, улар тўғрисида маълумотлар келтирилмади, бундан ташқари генитал аъзолар касалликларининг стоматологик патологиялар билан боғлиқ жиҳатлари йўқлиги сабабли ушбу касалликларга тўхталиш зарур эмас, деб ҳисобланди.

Ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ҳаёт сифати ва стоматологик саломатлик орасида боғлиқликни аниқлаш ва баҳолаш, субъектив ҳамда объектив кўрсаткичлар асосида асосли хулоса қилиш мақсадида тадқиқотларда OHRQoL сўровномасидан модификациямизни киритган ҳолда фойдаланишни лозим топдик.

Бунинг учун Oral Health Related Quality of Life (OHRQoL) сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу сўровнома 1996 йилда Kressin N. et al. томонларидан тавсия этилган. Унда жами 10 та савол бўлиб, ҳар бирида 5 тадан жавоб келтирилган, жавобларни қуйидагича белгилаш тавсия этилган: ҳеч қачон, жуда камдан кам; камдан кам; тез-тез; жуда тез-тез.

Ҳар бир жавоб 0 дан 4 балл билан баҳоланган:

- “ҳеч қачон” - 0 балл;
- “жуда камдан кам” - 1 балл;
- “камдан-кам” - 2 балл;
- “тез-тез” - 3 балл;
- “жуда тез-тез” - 4 балл.

Респондентлардан ҳар бир саволга фақат битта жавобни белгилаш сўралган. Ҳар бир респондентга ҳисобланган баллар 0 баллдан 40 баллгачани ташкил этди, аммо ҳар бир саволга берилган жавоблар турлича бўлганлиги сабабли умумий баллар 0-40 балл оралиғида бўлди.

Олинган жавобларни баҳолаш мақсадида биз томондан қуйидаги градациялар тавсия этилди:

- 0-10 балл - стоматологик саломатлик меъёрда, ҳаёт сифати юқори даражада, стоматологик саломатлик ва респондент ҳаёт сифати орасида “физиологик боғланиш” кучли;

- 11-20 балл - стоматологик саломатлик меъёрда, ҳаёт сифати бўйича зўриқиш, безовталиқ ҳисобига қисман пасайган, стоматологик саломатлик ва респондент ҳаёт сифати орасидаги “физиологик боғланиш” ўртача кучга эга;

- 21-30 балл - стоматологик саломатлик хавотирли, ҳаёт сифати пасайган, стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати орасидаги “физиологик боғланиш” заиф, “патологик боғланиш” мавжуд (заиф ва ўрта кучга эга);

- 31-40 балл - стоматологик саломатлик хавотирли, ҳаёт сифати кескин пасайган, стоматологик саломатлик ва респондент ҳаёт сифати орасидаги “физиологик боғланиш” мавжуд эмас, “патологик боғланиш” кучли ривожланган.

Респондентнинг стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифатини шундай боғлаши ишонарли натижалар олиш ва асосланган хулосалар қилиш имконини беради.

Олинган материални статистик ишлаш анъанавий вариацион статистик усуллар ёрдамида «Excel» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилди. Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилди: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик хато (m), фарқлар аҳамияти Фишер-Стьюдент мезони бўйича (P) аниқланди. Агар эҳтимоллик даражаси $P < 0,05$ бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланди [13.15.16.17.18.19].


Натижа ва таҳлиллар

Респондентлар “Навоиазот” АЖ да ишлайдиган ишчи аёллар ($n=715$) берган жавоблар таҳлил қилинганда, ҳар бир ишчи аёл бўйича натижалар баҳоланди, кейин ушбу натижалар умумлаштирилиб, ушбу ишчи аёллар гуруҳи бўйича келтирилди, ушбу таҳлил охирида стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати ишчи аёлларнинг шу корхонада фаолият кўрсатиш муддати, яъни иш стажига боғлиқлиги бўйича келтирилди.

Респондентларнинг “Оғиз бўшлиғи, тишлар ва жағда дискомфортни қанчалик тез-тез сезасиз?”, деган саволга қуйидагича жавоблар олинди: “ҳеч қачон” - $49,09 \pm 1,87\%$ ($n=351$); “жуда камдан кам” - $21,26 \pm 1,53\%$ ($n=152$); “камдан кам” - $19,02 \pm 1,47\%$ ($n=136$); “тез-тез” - $7,27 \pm 0,97\%$ ($n=52$); жуда тез-тез - $3,36 \pm 0,67\%$ ($n=24$).

Кўриниб турибдики, сўров ўтказилганларнинг амалий жихатдан ярмиси ($49,09\%$) уларда бундай ҳолат кузатилмаганлигини айтишган. Бу эса уларда стоматологик саломатлик меъёрдалигини, ҳаёт сифати бўлса юқори даражада эканлигини кўрсатди (2-расм). Ушбу ишчи аёлларда шу келтирилган кўрсаткичлар бўйича меҳнатга лаёқати ва иш унумдорлиги юқори эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Агар юқорида келтирилган дискомфорт $21,26\%$ ишчи

аёлларни жуда камдан кам безовта қилишини ҳисобга олсак, юқорида келтирилган хулоса уларга ҳам тегишли бўлади.



2-расм. Оғиз бўшлиғида ва жағда дискомфорт сезиш бўйича респондентлар жавоблари тақсимланиши %

Шуниси эътиборлики, ўрганилганларнинг мос равишда 7,27% ва 3,36% и оғиз бўшлиғи ва ундаги аъзоларда дискомфортни “тез-тез” ва “жуда тез-тез” сезишларини билдиришган. Бу уларда стоматологик саломатлик бўйича муаммолар аниқланганлигини, уларнинг стоматолог мутахассисларга эҳтиёжи юқори эканлигини кўрсатади.

Стоматологик саломатликдаги муаммолар ўз навбатида меҳнатга лаёқат ҳамда иш унумдорлиги пасайиши билан қаторда улар ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келгани исботланган. Уларнинг барчасида (n=76, 10,63%) биринчи саволга субъектив жавобданок “стоматологик саломатлик хавотирли, ҳаёт сифати пасайган” ишчи аёллар гуруҳига киритилди ва алоҳида назорати олинди. Ушбу аёлларнинг бошқа саволларга жавоблари эса синчковлик билан ўрганилди.

Тадқиқотларга жалб қилинган ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи аёлларга шу сўровнома асосида берилган иккинчи савол “Стоматологик муаммолар натижасида совуқ ва иссиқ ичимликлар истеъмол қилганда қанчалик тез-тез қийинчиликлар сезасиз?”, деб номланиб, унга берилган жавоблар натижалари қуйидагича бўлди (4-жадвал): “ҳеч қачон” - 46,99±1,87% (n=336); “жуда камдан кам” - 20,70±1,52% (n=148), “камдан кам” - 15,94±1,37% (n=114); тез-тез - 11,05±1,17% (n=79), “жуда тез-тез” - 5,32±0,84% (n=38).

4-жадвал

Стоматологик муаммолар натижасида совуқ ва иссиқ ичимликлар истеъмол қилинганда қийинчиликлар сезиш бўйича респондентлар жавоблари кўрсаткичлари

Жавоблар	Мутлоқ сонларда	Нисбий (%) сонларда
Хеч қачон	336	46,99±1,87
Жуда камдан кам	148	20,70±1,52
Камдан кам	114	15,94±1,37
Тез-тез	79	11,05±1,17
Жуда тез-тез	38	5,32±0,84

Олинган натижалар ишчи аёлларнинг кўпчилигида бундай муаммолар йўқлигини кўрсатиб турибди - мос равишда “ҳеч қачон” - 46,99±1,87% ва “жуда камдан кам” - 20,70±1,52, агар 15,94±1,37% ишчи аёллар уларни юқорида сўралган муаммо камдан кам безовта қилишини ҳисобга олсак, барча текширилганларнинг (n=715) 83,64% ида (n=598) стоматологик саломатлик бўйича муаммо йўқлигига амин бўлди. Респондентларнинг 118 нафари (16,36%) ушбу масала бўйича “тез-тез” ва “жуда тез-тез” безовта бўлишларини билдиришган. Бундай ҳолат

стоматологик саломатлик ушбу аёлларда хавотирли эканлигини, ҳаёт сифати пасайганини кўрсатади.

Агар олдинги саволга жавоб бериш натижаси бўйича стоматологик саломатликка хавотирли бўлган 10,63% аёлларни индивидуал кўрайдиган бўлсак, иккинчи савол бўйича стоматологик саломатлиги хавотирли бўлган 117 нафар аёллар ичида уларнинг барчасини кўрдик.

Демак, оғиз бўшлиғида дискомфорт сезган барча аёллар иссиқ-совуқ ичимликлар истеъмол қилганда ҳам дискомфорт сезишган, бу иккала саволнинг бир бирига боғлиқлиги исботланиши баробарида уларнинг стоматологик саломатлиги хавотирли, ҳаёт сифати пасайганлиги тўғрисида фикр юритишга асос бўлди. Шунингдек, шу кўрсаткичлар бўйича хавф гуруҳи ташкил этилганлиги тўғри бўлганлиги кўрсатиб берилди.

Учинчи савол, “Стоматологик муаммолар оқибатида овқатланишда дискомфорт сезасизми?”, деб қўйилиб, унга ишчи аёллар томонидан берилган жавоблар таҳлил қилинди. Ушбу савол сўровномадаги олдинда таҳлил қилинган 2 та саволни тўлдириб, ҳаёт сифатига таъсир қилувчи энг зарур омиллардан бири эканлиги муҳимдир [12.14.16.18].

Олинган натижалар мутлоқ ва нисбий сонлар кўринишида 5-жадвалда келтирилган.

Кўриниб турибдики, 68,95% ҳолатда респондентлар стоматологик саломатликка шикоят қилишмаган, ўз-ўзидан ҳаёт сифатида ўзгариш бўлмаган.

5-жадвал

Стоматологик муаммолар оқибатида овқатланишда дискомфорт сезиш бўйича текширилувчилар жавоблари параметрлари


Жавоблар	Мутлоқ сонларда	Нисбий (%) сонларда
Ҳеч қачон	307	42,94±1,85
Жуда камдан кам	186	26,01±1,64
Камдан кам	129	18,04±1,44
Тез-тез	64	8,95±1,07
Жуда тез-тез	29	4,06±2,33

Эътиборли жиҳати шуки, 13,01% (n=93) ишчи аёллар ушбу дискомфорт тез-тез безовта қилишини айтишган, объектив текшириш усуллари ҳам улар безовталлигини тасдиқлаб, оғиз бўшлиғида стоматологик муаммолар борлигини кўрсатган.

Шундай қилиб, ҳар учала берилган саволга ҳам бир хилда безовталикка шикоят қилганлар аниқланди. Оғиз бўшлиғида тишлар ва жағда дискомфорт, иссиқ-совуқни сезиш, овқатланишда оғиз бўшлиғида дискомфорт каби стоматологик муаммолар 10,63-16,37% ҳолатда учрагани диққатни жалб этади, ушбу ишчи аёлларда стоматологик саломатлик хавотирли бўлиб, ҳаёт сифати пасайгани аниқланди, стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати орасидаги боғлиқлик заифлашган ҳамда улар орасидаги “физиологик боғланиш” йўқолиб, “патологик боғланиш” пайдо бўлгани исботланди. Стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифатининг боғлиқлигини таърифлаш учун биз томондан тавсия этилган “физиологик боғланиш” ва “патологик боғланиш” каби мезонлар ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи аёллар ҳаёт сифати даражасини баҳолашда амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкинлиги исботланди.

Сўровномада келтирилган саволларнинг юқорида келтирилган клиник қисми бўйича ўтказилган таҳлил натижаларидан кейинги саволлар қисмига - индивидуал-психологик қисмига ўтилди. Бунда келтирилган учта савол стоматологик муаммоларнинг ишчи аёллар психологик ҳолатига таъсир этиши баробарида улар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолади. Таҳлил респондентларнинг саволларига ёзма жавоблари асосида амалга оширилди.

“Стоматологик муаммолар оқибатида уйқунингиз қанчалик бўлган?”, деган саволга ҳам барча респондентлар (n=175) турлича жавоб беришган. Жавоблар натижалари мутлоқ ва нисбий (%) сонларда 3-расмда келтирилган.



3-расм. Стоматологик муаммолар оқибагида респондентлар уйқуси бузилганлиги тўғрисидаги жавоб натижалари, %

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бундай муаммо ҳеч қачон кузатилмаган ($43,92 \pm 1,86\%$, $n=314$) ва жуда камдан кам аниқланган ($30,91 \pm 1,73\%$, $n=221$) ишчи аёллар барча тадқиқотларга жалб қилинган аёлларнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этди, агар бунга ушбу муаммо камдан кам безовта қилган аёллар контингентини ҳам қўшсак ($15,94 \pm 1,37\%$, $n=114$), ҳар 10 нафар ишчи аёлнинг 9 нафари ушбу муаммони инкор этишган.

Фақатгина $9,23\%$ респондентларда (мос равишда тез-тез $6,01 \pm 0,09\%$, $n=43$ жуда тез-тез $3,22 \pm 0,66\%$, $n=23$) стоматологик муаммолар уларни безовта қилиб, уйқулари бузилгани айтилган. Стоматологик саломатлиги хавотирли бўлиши ҳисобига ҳаёт сифати пасайган ишчи аёллар $9,23\%$ ни ташкил этиб, олдинги тадқиқотлар натижасида хавф гуруҳига киритилган аёллар бўлишди.

Клиник жиҳатдан субъектив ва объектив тарзда аниқланган стоматологик саломатлиги хавотирли бўлган ишчи аёлларда индивидуал психологик ҳолатда ҳам ўзгаришлар бўлиши ўз тасдиғини топди.

Саволнома бўйича респондентлар жавоб беришган кейинги савол “Стоматологик муаммолар оқибагида қанчалик таъсирчан бўласиз?”, деб аталиб, жавоблар натижалари 6-жадвалда келтирилган.


Респондентларнинг $1/10$ қисми ушбу саволга ижобий жавоб берганлар, яъни стоматологик муаммолар уларга таъсир қилиб, психологик мувозанатдан чиқарган, таъсирчанлигини оширган, бу ўз навбатида унинг атрофидагилар билан мулоқотга ҳалақит берган. Агар 51 нафар сўралганлар ($7,13 \pm 0,95\%$) тез-тез таъсирчан бўлишларини, бунинг оқибагида жиззакилик пайдо бўлишини кўрсатишган бўлса, 29 нафар ишчи аёл ($40,6 \pm 0,74\%$) жуда тез-тез шундай ҳолатлар бўлишини айтиб ўтишган. Бошқа ҳолатларда ишчи аёлларни бу муаммолар ёки умуман безовта қилмаган ($67,83 \pm 1,75\%$, $n=485$) ёки безовта қилган тақдирда ҳам жуда камдан кам ($13,15 \pm 1,26\%$) ва камдан кам ($8,95 \pm 1,05\%$, $n=64$) содир бўлган.

6-жадвал

Стоматологик муаммолар оқибагида респондентларнинг таъсирчан бўлиш даражаси параметрлари

Жавоблар	Мутлоқ сонларда	Нисбий (%) сонларда
Ҳеч қачон	386	$53,99 \pm 1,86$
Жуда камдан кам	128	$17,90 \pm 1,43$
Камдан кам	121	$16,92 \pm 1,40$
Тез-тез	51	$7,13 \pm 0,96$
Жуда тез-тез	29	$4,06 \pm 0,74$

Стоматологик саломатликнинг психологик хусусиятларини очиб берувчи 6-савол “Стоматологик муаммолар оқибагида бошқа шахслар билан мулоқот қилиш ёки табассум қилишдан тортинасизми?”, деб аталиб респондентларга саволга жавоб қанчалик муҳим эканлиги тушунтирилди ва юзаки жавоб бермаслик сўралди.



4-расм. Стоматологик муаммолар оқибатида бошқа шахслар билан мулоқот ва табассум қилишдан тортиниш бўйича респондентлар жавоблари параметрлари

Олинган натижалар 4-расмда ўз аксини топган. Жавобларда олдинги саволларга жавоблар тенденцияси кузатилган ва бундай ҳолат қухатилмаганлигини қайд қилган респондентлар кўпчиликини ташкил қилган (“хеч қачон” - 57,20±1,85%, n=409).

Эътиборли томони шуки, стоматологик муаммолар оқибатида мулоқот қилиш бўйича тортиниш “жуда камдан кам” (21,12±1,53%, n=151), “камдан кам” (14,13±1,30%, n=101) ҳолатларда учраши билан бир қаторда ушбу муаммо “тез-тез” (2,65±0,60%, n=19) учраши кам намоеън бўлган.

Сўровномадаги олдинги учта саволга (клиник хусусият) ижобий жавоб берганлар фоизи, кундалик ҳаёт бўйича (психологик хусусият - ижтимоий фаоллик) ижобий жавоб берганлар сонидан ишонарли даражада кўплиги билан тафовутланди (P<0,001).

Фикримизча, организм ҳаёт фаолиятига ҳалақит берувчи стоматологик муаммолар билан боғлиқ клиник хусусиятлар ишчи аёлларни ижтимоий фаолликка (психологик хусусият) нисбатан кўпроқ безовта қилган. Бунга сабаб, биринчидан, клиник хусусиятлар иш фаолиятига салбий таъсир қилиши, кундалик ҳаёт билан доимий боғлиқ одатлар ўзгариши бўлса, иккинчидан, уларни ижтимоий фаоллик ҳам қизиқтириши, уларнинг ташқи кўринишига танқидий қараш ҳисси етарлича шаклланмаганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ҳар учала психологик хусусиятга алоқадор саволларга жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотларга жалб қилинганларнинг (n=715) жами 7,55% дан 11,23% гача бўлган респондентлари қўйилган саволларга ижобий жавоб беришган, бу эса улар стоматологик саломатликлари хавотирли эканлигини, бунинг оқибатида ҳаёт сифати пасайганини кўрсатди. Натижада стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати ўртасидаги “физиологик боғлиқлик” йўқолиб, “патологик боғлиқлик” пайдо бўлган. Ушбу мезонлар шу категориядаги шахслар учун стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасига янгича ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Келтирилган мезонлар, фойдаланилган сўровнома ишчи аёллар орасида стоматологик саломатликка аниқ баҳо бўлибгина қолмай, унинг улар ҳаёт сифати параметрларига таъсир даражасини, ушбу кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини баҳолаш имконини беради, шунингдек, улар асосида аниқ режалаштирилган бирламчи профилактика асослари ишчи аёллар турмуш тарзига ижобий таъсир ўтказгани ҳолда меҳнат унумдорлигини ҳам оширади.

Сўровномада кейинги қўйилган 4 та савол даволаш самарадорлиги ва оила бюджети каби хусусиятларга боғлиқ бўлиб, “Сиздаги стоматологик касалликлар ва уларни даволаш бўйича стоматологик муаммолардан Сизни ва оила аъзоларингизни қайфияти тушганми?” деган саволга жавоблардан бошланди (7-жадвал).

Олдинги клиник ва ижтимоий масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида ўтказилган анкеталаш бўйича олинган жавоблар тенденцияси бу жавобларда ҳам кузатилди, яъни сўровга жалб қилинган респондентларнинг бир қисми ижобий жавоб беришган (“тез-тез” - 8,11±1,02%, n=58) ва “жуда тез-тез” - 1,12±0,39%, n=8). Олдинги ижобий жавоблар (7,55% дан 11,23% гача) даражасида аниқлангани барча клиник, психологик, даволаш самарадорлиги, оила бюджети бўйича ташвишлар амалий жиҳатдан бир хил бўлиб, бир бирига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Ушбу саволга жавоб бўйича ҳам 9,23% (n=64) респондентларнинг ижобий жавоб бергани (тез-тез ва жуда тез-тез қайфияти тушади) уларда стоматологик саломатлик хавотирли бўлиши билан бир қаторда ҳаёт сифати пасайганини кўрсатди. Бу жавоб бўйича ҳам олдинги натижалар оқибатида

исботланган кўрсаткич кузатилди - стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати бир бири билан узвий боғлиқ, хавотирли стоматологик саломатлик ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келди.

7-жадвал

Стоматологик муаммоларнинг шахс ва унинг оила аъзолари кайфиятига таъсири бўйича жавоблар

Жавоблар	Мутлоқ сонларда	Нисбий (%) сонларда
Ҳеч қачон	365	51,05±1,87
Жуда камдан кам	164	22,94±1,57
Камдан кам	120	16,78±1,40
Тез-тез	58	8,11±1,02
Жуда тез-тез	8	1,12±0,39

Тадқиқотларга жалб қилинган респондентларнинг кўпчилиги стоматологик муаммолар уларнинг кайфиятларига ҳеч қачон салбий таъсир қилмаганлигини (51,05±1,87%, n=36), маълум бир қисми жуда камдан кам (22,94±1,57%, n=164) ва камдан кам (16,78±1,40%, n=120) таъсир қилганини билдиришган. Уларда стоматологик саломатлик хавотирли бўлганлиги боис, ҳаёт сифати ҳам пасаймаганлиги эътироф этилди, демак ушбу ишчи аёллар стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати даражасидаги ўзаро боғлиқлик “физиологик боғланиш” сифатида талкин этилди.

Сўровномадаги кейинги савол “Сиздаги стоматологик муаммолар бўйича ўзингиз ёки оила аъзоларингиздан бирон киши ўзини айбдор сезганми?” деб аталиб, унга жавоблар тахлили 5-расмда келтирилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, сўров ўтказилганларнинг кўпчилиги (73,01%) стоматологик муаммолар бўйича ўзини айбдор санамаган, оила аъзолари ҳам ўзларини айбдор ҳисоблашмаган. Ҳеч қачон (44,90±1,86%, n=321), жуда камдан кам (28,11±1,68%, n=201) жавоблари ишчи аёлларда стоматологик муаммолар учрамаганидан эмас, балки сўровномада масаланинг бундай қўйилишини кутмаганларидан бўлди.

Хулосалар

1. Модификация қилинган OHRQoL сўровномасини кимё sanoati корхоналарида ишловчи ишчи аёллар стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифатининг бир бирига боғлиқлигини ўрганиш учун тавсия этилди. Ишчи аёллар стоматологик саломатлигини баҳолаш учун баллар асосидаги 4 та градация тавсия этилди - 0-10 балл; 11-20 балл; 21-30 балл; 31-40 балл. Ушбу градациялар асосида хавф гуруҳлари ажратилиб, унга мос бирламчи профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилди;
2. Ишчи аёллар стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифати орасидаги боғлиқликни баҳолашни оптималлаштириш ва ўзгариш даражасини аниқлаш мақсадида “физиологик боғланиш” ҳамда “патологик боғланиш” тушунчалари киритилди, улар ўз навбатида заиф, ўрта ва кучли физиологик боғланиш ва заиф, ўрта ва кучли патологик боғланиш тарзида ифодаланди.
3. Барча ўрганилганларнинг (n=715) жами 16,36% ининг стоматологик саломатлиги хавотирли бўлиб, ҳаёт сифати пасайганлиги аниқланди, улардаги стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати орасидаги боғлиқлик ўрганилганда “физиологик боғланиш” заиф ёки мавжуд эмаслиги ҳамда “патологик боғланиш” пайдо бўлиб, у ўртача кучли ёки кучли эканлиги аниқланди.
4. Стоматологик саломатлиги хавотирли ва хавф гуруҳига киритилган ишчи аёллар реестри яратилиб, кимё sanoati ишлаб чиқариш корхонаси стоматологларига доимий назорат ва ўз вақтида даволаш тавсиялари берилди. Ажратилган “хавф гуруҳи” ўтказилган ушбу тадбирлар улар ҳаёт сифатининг юқори даражада бўлишига, ўз навбатида улар меҳнат унумдорлиги ошишига эришилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибрагимова Ф.И., Идиев Г.Э. Состояние здоровья у рабочих производства синтетических моющих и чистящих средств // Проблемы биологии и медицины – Самарканд, №1(68), 2012, С. 66-67. (14.00.00; №19)
2. Ибрагимова Ф.И., Идиев Г.Э., Нуров Н.Б. Состояние иммунологической реактивности полости рта у рабочих производства синтетических моющих средств // Проблемы биологии и медицины – Самарканд, №4.1(78), 2013, С. 41-42. (14.00.00. №19)
3. Ибрагимова Ф.И., Нусратов У.Г., Идиев Г.Э., Жуматов У.Ж. Применении низкочастотного ультразвука в комплексном лечении лейкоплакии слизистой оболочки полости рта у рабочих

- химической промышленности // Проблемы биологии и медицины – Самарканд, №4.1(78), 2013, С. 84-85. (14.00.00. №19)
4. Ибрагимова Ф.И., Жуматов У.Ж., Хотамов Ю.Э. Клинико-функциональное обоснование применения физиотерапевтических вмешательств при хроническом генерализованном пародонтите у рабочих производства кислот, химического волокна и аммиачных соединений // O'zbekiston tibbiyot jurnali. – Тошкент, №1, 2014, С.27-29. (14.00.00; №8)
 5. Ибрагимова Ф.И., Жуматов У.Ж., Идиев Г.Э., Саидов А.А. Влияние вредных факторов производства синтетических моющих и чистящих средств на клинико-функциональные показатели полости рта рабочих // Проблемы биологии и медицины – Самарканд, №4(80), 2014, С. 90-91. (14.00.00. №19)
 6. Ibragimova F.I., Jumатов U.J., Idiev G.E. Influence of the harmful factors of manufacture of synthetic detergents and cleaners on the clinical-functional parameters of the oral cavities in the workers // European science review, Vienna, Austria. - № 9-10, 2014, - p.31-32. (14.00.00; №19)
 7. Ibragimova F.I. Prevalence and character of the oral cavity mucosa in the workers of the manufacture of the synthetic detergents // European science review, Vienna, Austria. - № 3-4, 2016, - p.178-179. (14.00.00; №19)
 8. Ибрагимова Ф.И., Жуматов У.Ж., Идиев Г.Э., Саидов А.А. Синтетик ювиш ва тозалаш воситаларини ишлаб-чиқаришда ишлайдиган ишчиларининг оғиз бўшлиғидаги шиллик қавати зарарланишининг учраши ва хусусиятлари // O'zbekiston tibbiyot jurnali. – Ташкент, №1, 2016, С.27-29. (14.00.00; № 8)
 9. Ибрагимова Ф.И., Садиқов А.У. Особенности влияния гипохлорита натрия на углеводно-энергетический обмен слизистой оболочки рта и крови лабораторных животных // Stomatologiya – Ташкент, №4(65), 2016, С. 81-87. (14.00.00; №12)
 10. Ибрагимова Ф.И., Идиев Г.Э. Действие гипохлорита натрия (ингредиента синтетических моющих средств) на активность окислительно-восстановительных ферментов, и её коррекция введением растительных препаратов в эксперименте // Проблемы биологии и медицины – Самарканд, №4.1(98), 2017, С. 52-53. (14.00.00; №19)
 11. Ибрагимова Ф.И., Идиев Г.Э. Оценка параметров полости рта у работников химического предприятия // Вестник. Проблемы биологии и медицины. Украинская академия наук. - Украина, 2013.-№3, том2(103).-С.315-317.
 12. Ибрагимова Ф.И., Жумаева А.А., Ражабова Д.Б. Влияние неблагоприятных факторов условий труда в производстве синтетических моющих и чистящих средств на состояние тканей пародонта у рабочих // Наука молодых (Eruditio Juvenium) – научно-практический медицинский журнал. – Россия. Рязань, 2015.-№1(9).-С.31-36.
 13. Ибрагимова Ф.И., Ражабова Д.Б., Жумаева А.А. Возникновение заболеваний пародонта у рабочих производства современных синтетических моющих и чистящих средств // Электронный периодический научный журнал -«SCI-ARTICLE.RU». – Россия. Москва, 2015. -№18.-С.51-54.
 14. Ибрагимова Ф.И., Замонова Г.Ш. Оценка некоторых функциональных показателей полости рта рабочих производства сырьевых компонентов для синтетических моющих средств // Молодежный инновационный вестник. Научно-практический журнал. – Россия. Воронеж, 2016. -Том V, №1. -С.191-193.
 15. Ибрагимова Ф.И., Жуматов У.Ж. Поражения слизистой оболочки полости рта у работающих в производстве синтетических моющих и чистящих средств // Молодежный инновационный вестник. Научно-практический журнал. – Россия. Воронеж, 2016. -Том V, №1. -С.193-194.
 16. Ибрагимова Ф.И., Замонова Г.Ш. Влияние вредных факторов производства на клинико-функциональные показатели полости рта рабочих // Символ науки. Международный научный журнал. – Россия. Уфа, 2016. -№8.-С.181-182.
 17. Ибрагимова Ф.И. Изучение влияния гипохлорита натрия на биохимические параметры в эксперименты // Достижения науки и образования. Ежемесячный научно-методический журнал. – Россия. Иваново, 2018. -№5(27).-С.105-107.
 18. Ибрагимова Ф.И., Агаева Н.А., Рахимов З.К., Сулейманов С.Ф., Астанов О.М. Микробно-иммунологические параметры у больных пародонтитом // «Стоматологиянинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Халқаро олимлар иштироки билан Республика илмий-амалий анжумани. – Бухоро, 2012. -С.6-7.

Қабул қилинган сана 09.08.2022